



Protected by PDF Anti-Copy Free  
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Ўзбекистон Республикаси номидан

Уал қилув қарори

25.01.2022 йил

Гўрғони

4-1407-2201/12-сонли иш

Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди, судья Л.Асатов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси [REDACTED] вилояти ҳудудий бошқармасининг даъвогар – « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) манфаатида жавобгар – « [REDACTED] » фермер хўжалиги (бундан буён матнда ф/х деб юритилади)га нисбатан берган даъво аризаси бўйича ишни, суд биносида, ишдаги мавжуд ҳужжатлар асосида, соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб, суд куйидагиларни, –

#### А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси [REDACTED] вилояти ҳудудий бошқармаси даъвогар – « [REDACTED] » МЧЖ манфаатида жавобгар – « [REDACTED] » ф/хга нисбатан иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 5 025 200 сўм асосий қарз ва 19 600 сўм почта харажатларини ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлар ва суд жараёнида аниқланишича, даъвогар – « [REDACTED] » МЧЖ ва « [REDACTED] » ф/х ўртасида 10.03.2020 йилда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга хизматлар кўрсатиш ва механизация ёрдамида ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисида 329-сонли шартнома тузилган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 1.1-бандига кўра, ушбу шартнома асосида Бажарувчи “Хўжалик”нинг буюртманомасига асосан фермер хўжалигига тегишли ер майдонларида механизациялашган ишларни бажариш, агротехник хизматлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади, Хўжалик (Буюртмачи) эса ушбу хизматлар (ишлар)ни қабул қилиш ва улар учун нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Шартномага асосан даъвогар томонидан жавобгарга 10.06.2020 йилда ғалла ўриш ишлари бажарилган ва бажарилган ишлар бўйича ҳисоб-фактура расмийлаштирилган бўлиб, бажарилган ишлар қиймати 5 025 200 сўмни ташкил этган.

Шартноманинг 2.2.2-бандида Хўжалик шартнома тузилган санадан бошлаб 5 кун ичида 60 фоиз миқдорида олдиндан тўлов, кўрсатилган хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб, 60 кун мобайнида якуний тўловни амалга ошириши белгиланган.

Даъвогар томонидан жавобгарга 28.10.2021 йилда 215-сонли талабнома юборилиб, қарздорликни тўлаб бериш сўралган, лекин даъвогарнинг талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган. Даъвогар ва жавобгар ўртасида 01.11.2021 йил ҳолатига тузилган ўзаро ҳисоб-китоб солиштирма далолатномасида жавобгарнинг даъвогар олдида 5 025 200 сўм қарзи мавжудлиги акс эттирилган. Жавобгарнинг даъвогар олдида 5 025 200 сўм қарзи мавжудлиги ишдаги ҳисоб-фактура, шартнома, солиштирма далолатномаси билан ўз тасдиғини топади.



